

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

_____ Р.Р.Ҳақимов
(ТАҚИ ректори)

20__ йил “__” _____

“КЕЛИШИЛДИ”

Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлиги

20__ йил “__” _____

Рўйхатга олинди: № _____
20__ йил “__” _____

АРХИТЕКТУРАВИЙ ҚАЛАМТАСВИР, РАНГТАСВИР ВА
ҲАЙКАЛТАРОШЛИК

ФАН ДАСТУРИ

Билим соҳаси:	100000 – Гуманитар соҳа
	300000 – Ишлаб чиқариш техник соҳа
Таълим соҳаси:	150 000 – Санъат
	340000 – Архитектура ва қурилиш
Таълим йўналиши:	5150900 – Дизайн (архитектуравий муҳит дизайни)
	5340100 – Архитектура (турлари бўйича)
	5341700 – Архитектура ёдгорликлари реставрацияси ва реконструкцияси

Фан/модуль коди AQRH1201		Ўқув йили 2020-2021	Семестр 1-2	ECTS - Кредитлар 10	
Фан/модуль тури Мажбурий		Таълим тили Ўзбек/рус		Ҳафтадаги дарс соатлари 4	
1.	Фаннинг номи	Аудитория машғулоти (соат)	Мустақил таълим (соат)	Жами юклама (соат)	
		Архитектуравий қаламтасвир, рангтасвир ва хайкалтарошлик	120	150	270
2.	<p>I. Фаннинг мазмуни</p> <p>Фанни ўқитишдан мақсад – талабаларда меъморий композициялар таркибидаги архитектуравий деталларни конструктив ечимини ўргатиш билан бир қаторда бутун борлиқнинг конструкция ва ҳажм нуқтаи назаридан хис қилиш орқали келажакда бадиий лойиҳаларни тузиш учун дастлабки кўникмаларни ривожлантириш, уларнинг композицион бадиий-фазовий мушоҳада юритиш компетенциясини, архитектурадаги функция, конструкция ва эстетиканинг ажралмас яхлит жиҳатларининг композицион ечимларини топиш малакаларини шакллантириш ва кенгайтириш, касбий маҳоратини оширишдан иборат.</p> <p>Фаннинг вазифаси - талабаларда ижодий тасаввурни ўстириш, талабаларда архитектура соҳаларида композицияларнинг бадиий-тасвирий элементларининг мазмун ва ғоясини оптимал ечимини топиш малакаларини таркиб топтириш, меъморий иншоотларнинг интерьерлари ва экстерьерлари учун рельефсимон бадиий безаклар ишлашга оид компетенцияларини таркиб топтириш, тасвирий санъат намуналарини умумий архитектуравий муҳит композицияси билан муштарақлик қонуниятлари ҳақидаги билимларини мустаҳкамлаш, талабаларни тасвирий санъат намуналарини архитектуравий ансамбл, атроф-муҳит ва реал борлиқ билан мантиқий алоқадорлик қонуниятларига амал қилишга ўргатиш.</p> <p>II. Асосий назарий қисм (амалий машғулотлар)</p> <p>II.I. Фан таркибига қуйидаги бўлимлар киради:</p> <p>1-БЎЛИМ. АРХИТЕКТУРАВИЙ ҚАЛАМТАСВИР.</p> <p>Тасвирий санъат тури бўлмиш қаламтасвир ўқитилаётган фаннинг асоси бўлиб, амалий машғулотлар жараёнида ижодкорликка йўналтириш ва мустақил равишда тасвирий санъат намунасини яратиш устида</p>				

ишлашни шакллантиришга йўналтирилгандир. Архитектуравий қаламтасвир мазмун ва моҳиятининг ечимини топиш, ижодий маҳоратни ошириш архитектура соҳасининг зарурий қисмидир.

Архитектуравий қаламтасвир амалий машғулотларига қуйидаги мавзуларни тавсия этишимиз мумкин:

1-мавзу. Геометрик шакллардан натюрморт қаламтасвири.

Геометрик шакллар, уларнинг турлари ва конструктив тузилишлари. Геометрик шакллардан иборат натюрмортни ишлаш тартиблари. Буюмларнинг шакли, ҳажмини тасвирлашда ёруғ-соя муносабатлари, қаламтасвир техникасидан фойдаланиш.

2-мавзу. Архитектуравий жисмлардан иборат мураккаб конструктив натюрморт.

Архитектуравий жисмларнинг конструктив тузилиши ва уларни тасвирлаш тартиблари. Натюрмортнинг мураккаб конструкцияли элементларини тасвирлашда тасвирий санъат қонуниятларининг аҳамияти. Натурани амалий бажариш.

3-мавзу. Архитектуравий бўлакни (розетка) кўринишини чизиш.

Архитектуравий бўлаklarнинг турлари, шакли ва элементлари. Уларни тасвирлаш қонуниятлари. Натурани тасвирлашда тасвирий санъатнинг ифодавий воситаларидан фойдаланиш.

4-мавзу. Антик даврга мансуб гипсдан ишланган капитель (устун ёки пилястрнинг устки қисми) намунасининг қаламтасвири. (Дорий, ионий, коринф)

Архитектуранинг Антик даврга мансуб элементлари, уларнинг функциялари, шакли, конструкцияси ва бадиий безак детал (элемент)лари. Натурани тасвирлашда унинг материаллик хусусиятларини (гипсдан ясалган оқ рангдаги элемент) ифодалаш. Натура тасвирини амалий бажариш.

5-мавзу. Антик архитектуравий бўлакнинг (ордер капители) конструктив ечимини топиш ва тасвирлаш.

Архитектуравий бўлаklarнинг турлари, шакли ва элементлари. Уларни тасвирлаш қонуниятлари. Қўйилмани тасвирлашда конструктив-тасвирнинг ифодавий воситаларидан фойдаланиш.

6-мавзу. Геометрик шакллардан иборат архитектуравий композиция. Содда тузилишда. (3та куб, 3та тўрт қиррали призма)

Оддий шакл ва конструкцияга эга бўлган геометрик шакллардан композиция тузиш, турли шакл (куб, призма)даги геометрик шакллардан

архитектуравий композиция тузиш. Геометрик шаклларнинг архитектуравий объект сифатида ўзаро боғлиқлиги, уларнинг конструктив тузилиши таҳлили.

7-мавзу. Геометрик шакллардан иборат архитектуравий композиция. Мураккаб тузилишда (куб, призма, пирамида, цилиндр, конус, шар геометрик шакллардан иборат)

Мураккаб тузилиш ва конструкцияга эга бўлган геометрик шакллардан архитектуравий композиция тузиш. Конструкциясига кўра бир-биридан фарқ қилувчи геометрик шакллар (куб, призма, пирамида, цилиндр, конус, шар)даги геометрик шакллардан архитектуравий композиция тузиш. Турлича конструкцияли геометрик шаклларни архитектуравий объект элементлари сифатидаги алоқадорлигини тасвирий воситаларда ифодалаш. Мавзу бўйича амалий иш.

8-мавзу. Интерьерни мебель ва деталлари билан чизиқли, кенг кўламда ифодалаш (натурадан).

Интерьерни тасвирлаш қонуниятлари: перспектива, жиҳоз ва элементларнинг ўзаро муносабати, нисбатлари, конструктив тузилиши ва ижтимоий функциялари. Реал архитектура интерьерлари ва жиҳоз (мебель ва б.) ва элемент (устун, дераза, эшик ва бошқа жиҳозлар)ни тасвирлаш. Интерьернинг уч ўлчамли кўринишини тасвирлашда чизиқли перспективанинг ўрни.

9-мавзу. Архитектуравий бинолар этюди ва улардаги соя-ёруғлигини тасвирлаш.

Тасвирий санъатда этюдларнинг аҳамияти. Уларни ишлаш тартиблари. Архитектуравий объектлардан этюд ишлашнинг ўзига хос хусусиятлари. Этюддаги архитектуравий объектлар, айрим элементларнинг характерли жиҳатларини ифодалашда ёруғ-соя имкониятларидан фойдаланиш.

10-мавзу: Фаразий композиция. Тасаввурдаги қаламтасвир. Абстракт усулда.

Мазмуни ва композицион ечимига кўра анъанавий ёндашувлардан фарқланувчи композиция ишлаш. Тасаввур асосида фазовий архитектуранинг ечимини топиш.

11-мавзу. Гипсли одам қоматининг интерьердаги тасвирини ишлаш.

Гипсли одам қоматининг анатомик параметрлари ва нисбатлари. Одам қоматининг таянч нуқтаси ва пластик кўриниши. Гипсдан ясалган

одам қоматининг интерьердаги ўрни ва кўриниши, интерьердаги бошқа жиҳозларга нисбатан кўриниши.

2-БЎЛИМ. АРХИТЕКТУРАВИЙ РАНГТАСВИР.

Архитектуравий рангтасвир бўлими атроф муҳитни тафаккур этиш ва бадий шаклларни ифодалаш, реал борлиқни бутун бойлигини намоён этган ҳолда тасвирлаш, бадий образлар шаклини амалга ошириш, ёруғ ва соя, умумтус, ранг муносабатлари ва тасвир яхлитлиги, натурадан (натюрморт, манзара) ишлаш, эмоционал бадий ифодани бера билиш, шакллилик, ашёлилик ва фазо сифатларини рангтасвир ифода воситалари орқали бера билиш, рангтасвир мактаблари замонавий йўналишларини ўргатади.

Архитектуравий рангтасвир амалий машғулотларига қуйидаги мавзуларни тавсия этишимиз мумкин:

1-мавзу. Соя ва ёруғлик билан берилган контраст тондаги содда натюрморт (грисайл).

Уй-рўзғор буюмларидан иборат бўлган буюм ва объектларни тасвирлашда уларнинг конструктив тузилишларини геометрик шакллар мисолида идрок этиш, таҳлил қилиш ва тасвирлаш. Буюмларни тасвирлашда акварел техникасининг грисайл услубидан фойдаланиш тартиблари.

2-мавзу. Совуқ тусда берилган содда натюрморт.

Натюрморт турлари ва уларнинг хусусиятлари. Уй-рўзғор буюмларидан иборат натюрмортни совуқ тусдаги ранглардан фойдаланган ҳолда тасвирлаш.

3-мавзу. Иссиқ тусда берилган содда натюрморт.

Натюрмортнинг ранг билан ишлашдаги хусусиятлари. Уй-рўзғор буюмларидан иборат натюрмортни иссиқ тусдаги ранглардан фойдаланган ҳолда тасвирлаш.

4-мавзу. Ясси геометрик шакллардан декоратив композиция рангтасвири.

Ясси геометрик шаклларнинг турлари, уларнинг конструкцияси. Тасвирий санъатда декоративлиликни тасвирлаш усуллари. Рангтасвирда декоративлиликни ифодалашда турли хил ва тусдаги ранглардан фойдаланиш техникаси. Мавзу юзасидан амалий иш бажариш.

5-мавзу. Қарама-қарши ранглардан иборат декоратив натюрморт рангтасвири.

Контрастлилик техникаси, уларни архитектуравий эскизлар ва лойиҳаларни бажаришда қўллаш тартиблари. Контрастлиликнинг

рангтасвирдаги асосий воситалари. Рангтасвирда декоративлилик, улардан натюрморт ишлашда фойдаланиш.

6-мавзу. Архитектуравий ёдгорлик кўриниши рангтасвири.

Архитектуравий ёдгорликларни тасвирлашда натура танлаш, унда ракурс, монументаллик, конструкция, перспектива, пропорция каби элементларни тасвирланиши.

7-мавзу. Уй-рўзғор буюмларидан иборат мураккаб натюрморт. Акварел.

Уй-рўзғор буюмларидан иборат бўлган буюм ва объектларни тасвирлашда уларнинг конструктив тузилишларини геометрик шакллар мисолида идрок этиш, таҳлил қилиш ва тасвирлаш. Буюмларни тасвирлашда акварел техникасидан фойдаланиш тартиблари.

8-мавзу. Уй рўзғор буюмларидан иборат мураккаб декоратив натюрморт. Акварел ёки гуаш.

Натюрморт турлари ва уларнинг хусусиятлари. Уй-рўзғор буюмларидан иборат натюрмортни декоратив усулда тасвирлаш. Декоратив натюрмортни гуаш ва акварел бўёқларида ишлаш техникалари.

9-мавзу. Декоратив кўринишдаги одамнинг елкасигача портрети. Гуаш.

Тасвирий санъатнинг портрет жанрида ишлаш қонуниятлари. Портрет ва унинг турлари. Портрет ишлашда гуаш технологиясидан фойдаланиш тартиблари. Тасвирда ифодавийлик ҳамда унинг қонуниятларидан фойдаланиш усуллари.

10-мавзу. «Юртим жамоли» мавзусида табиат манзарасини ишлаш.

Тасвирий санъатда табиат манзара ишлаш тартиблари. Берилган мавзу бўйича манзара ишлаш. Табиат манзарасини ишлашда композиция сюжетига мос ранг ечимларини тўғри ифодалаш.

11-мавзу. Декоратив кўринишда одам портрети. Гуаш.

Портрет жанрида декоратив усулда тасвир ҳосил қилиш усуллари. Декоратив портрет ишлашда гуаш технологиясидан фойдаланиш тартиблари. Гуаш бўёғининг ифодавийлик имкониятларини декоратив портрет ишлаш амалиётига татбиқ этиш. Мавзу бўйича декоратив портрет ишлаш.

12-мавзу. Гипсли орнамент натюрморти. Рангли кўринишда (колорит).

Натюрморт ва унинг мазмунига кўра вариантлари. Оқ ранг ва материал(гипс)дан тайёрлан(ясал)ган орнаментни тасвирлаш. Гипсда

рангларнинг хусусиятларини (тушувчи соя, рефлекс ва ҳ.к.) ифодалаш. Натурани рангшунослик ечимига кўра муайян колоритда ифодалаш.

3-БЎЛИМ. АРХИТЕКТУРАВИЙ ҲАЙКАЛТАРОШЛИК.

“Архитектуравий ҳайкалтарошлик” бўлими архитектуравий муҳитлар лойиҳасини яратишдаги асосий воситалардан бўлиб, талабаларга архитектуравий объектнинг эстетик беағи сифатида уларни ҳаётийлигини ифодалаш, англаш ва бадиий образ сифатида амалга оширишни ўргатишни назарда тутди. У эмоционаллик ва мантиқийликнинг табиий бирлашуви ҳамда шаклнинг аниқ ифодаси, пластик сифатлари ва ашёлилик даражасини ички мазмун билан бойитилиши, ҳажмдор элементларни умумий архитектуравий композициядаги муносабатлари қонунқоидалари, шакл жиҳатидан мураккаб техника ва технологиялар, комбинацияларни қўллашни ўргатади.

Архитектуравий ҳайкалтарошлик амалий машғулотларига қуйидаги мавзуларни тавсия этишимиз мумкин:

1-мавзу. Пласт формасини ҳар хил ҳажмда яшаш.

Пласт формасини ҳосил қилишда қўлланиладиган материал, ҳом ашёнинг ўзига хос хусусиятлари. Пласт формасини ҳосил қилиш тартиблари, техникаси. Турли шакл ва ўлчамда пласт ҳосил қилиш.

2-мавзу. Пласт ёрдамида геометрик шаклларни яшаш (куб, пирамида, шар, призма)

Тайёр пластдан геометрик шакллар яшаш тартиби. Ўлчам олиш, кесиб олиш ва бўлақларни бир-бирига бирлаштириш. Шакли ҳосил қилинган геометрик шаклларга ишлов бериш.

3-мавзу. Пласт юзасида геометрик шакллардан иборат содда композиция яратиш.

Геометрик шакллар композицияси. Композиция ҳосил қилишда пластлардан фойдаланиш. Композициянинг мазмуни ва эстетик функцияси. Композиция бўлақ (элементлари)нинг ўзаро алоқадорлиги.

4-мавзу. Ҳар хил текисликлардан иборат бўлган композиция яратиш (ўсимликсимон тасвирлар асосида)

Юзаларининг ҳолатига кўра турлича текисликларга эга бўлган мураккаб композиция яшаш. Композицияларга сюжетли, нақшинкор безаклар бериш. Ўсимликсимон нақшнинг композициядаги эстетик функцияси.

5-мавзу. Ҳар хил текисликлардан иборат бўлган композиция яратиш (ҳайвонот тасвирларидан иборат).

Юзаларининг ҳолатига кўра турлича текисликларга эга бўлган мураккаб композиция яшаш. Композицияларга сюжетли, нақшинкор безаклар бериш. Ҳайвонлар тасвирининг композициядаги эстетик функцияси

6-мавзу. Тасаввурдаги ҳайкалтарошлик. Футуристик композиция.

Мазмуни ва композицион ечимига кўра анъанавий ёндашувлардан фарқланувчи композиция ишлаш. Ҳайкалтарошлик композицияларида футуристик методларни қўллаш.

7-мавзу. Тасаввурдаги ҳайкалтарошлик. Абстракт усулдаги композиция.

Абстракт ҳайкалтарошлик. Мазмуни ва композицион ечимига кўра абстракт кўринишдаги ҳайкалтарошлик композициясини ишлаш. Абстракт ҳайкалтарошлик вариантларининг эскизларини ишлаш.

8-мавзу. Тасаввурдаги ҳайкалтарошлик. Биоларнинг кўриниши (экстеръери).

Биоларнинг ташқи кўринишини ҳайкалтарошликда ифодаланиши. Биоларнинг турли шакл, кўриниш ва конструкцияга эга бўлган вариантларини ҳайкалтарошликда ифодаланиши.

9-мавзу. Пласт юзасида табиат манзаралари (рельеф)

Берилган мавзулар бўйича қабарик (рельефсимон) тасвир ишлаш. Пласт юзасида табиат манзарасини ҳосил қилиш.

10-мавзу. Пласт юзасида табиат манзаралари. Эркин мавзу (рельеф)

Мустақил тарзда композиция мавзусини танлаш. Табиат манзарасини эркин мавзу бўйича пласт юзасида қабарик элементлар ҳосил қилиш методида тасвирлаш. Тасвир ҳосил қилишда ҳайкалтарошлик иш куруллари тўғри фойдаланиш. Топширикни бажариш жараёнида гигиеник талаблар ҳамд хавфсизлик қоидаларига амал қилиш.

III. Амалий машғулотлар бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Амалий машғулотлар архитектуравий графика машғулотларини ўқитишга мос жиҳозлар – махсус стол-стуллар, ёки мольбертлар, планшетлар, шунингдек, мультимедиа қурулмалари билан жиҳозланган аудиторияда бир академик кичик гуруҳларга бўлинган ҳолда бир неча профессор-ўқитувчи томонидан ўтказилиши зарур. Машғулотлар кўргазмали, фаол ва интерфактив усуллар ёрдамида ўтилиши, мос равишда муносиб педагогик ва ахборот технологиялар қўлланилиши мақсадга мувофиқ.

IV. Мустақил ишларни бажариш бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Мустақил таълим ва мустақил ишлар

Талаба ушбу фан бўйича ўқитувчи раҳбарлигида олган билимларини, ўқув ва амалий кўникмаларини аудиторияда амалга ошириши зарур бўлган вазифаларни мустақил бажариш жараёнида мустаҳкамлайди.

Мустақил ишларни ташкил этишнинг мазмуни: талабалар мустақил ишлари мавзулари келгусида бажариладиган курс ишлари ва битирув малакавий ишлари мавзулари билан узвийликда бажарилади. Мустақил ишлар учун мўлжалланган мавзулар натурадан турли график ишлар бажариш, этюдлар ишлаш, натюрморт, манзара ва қаламтасвирга ҳамда ҳайкалтарошликка тааллуқли ўқув топширқларини бажаришдан иборат.

Тавсия этилаётган мустақил ишларнинг намунавий мавзулари:

1. Уй рўзғор буюмларидан содда натюрморт.
2. Зинапоя ва ушлагичларнинг конструктив тасвири.
3. “Юртимда куз” мавзуси асосида табиат манзараси.
4. Шоҳ кўча перспективаси. Чизикли тасвир.
5. Шаҳар манзаралари. Декоратив усулда. Акварел ёки гуаш.
6. Қарама-қарши ранглардан иборат мураккаб натюрморт.
7. Тарихий архитектуравий ёдгорликнинг конструктив тасвири.
8. “Шаҳар кўриниши” мавзуси асосида табиат манзараси. Декоратив кўринишда.
9. Тарихий архитектуравий ёдгорликнинг интерьер кўриниши тасвири.
10. Автопортрет. Акварел ёки гуаш.
11. Хона-интерьер кўриниши.
12. Ҳар – хил дарахтлар кўринишини чизиш.
13. Интерьер мавзусида композиция яратиш (турли бинолар интерьери).
14. Турли ҳажмлардан ташкил топган иморат композициясини яратиш.
15. Фантастик архитектура мавзусида композиция яратиш.
16. Фантастик шаҳар мавзусида композиция яратиш.
17. Пластинин ёрдамида 15x15 см ўлчамдаги пласт устига гирих нақшини ишлаш.
18. Пластинин ёрдамида 20x20 см ўлчамдаги пласт устига ўсимликсимон нақш ишлаш.
19. Иморат беаги учун қўлланиладиган ўсимликсимон нақш композицияси рельефини ишлаш.
20. Болалар майдончалари учун декоратив ҳайкалнинг хомаки нусхасини ишлаш.

	<p>21. Интерьер учун горельеф композиция ишлаш.</p> <p>22. Оддий шакллардан иборат нақшни сопол тақсимча юзасига ишлаш.</p> <p>23. Пластин ёрдамида пласт устига барельеф композиция ишлаш.</p> <p>24. Оддий шакллардан иборат нақшни сопол тақсимча юзасига ишлаш.</p> <p>25. Ўсимликсимон нақшни сопол буюм сиртига ишлаш.</p> <p>26. Жониворлар тасвирлари асосидаги нақшни сопол тақсимча юзасига ишлаш.</p> <p>27. Сопол ёки чинни лаган сиртига Гирих усулида нақш ишлаш</p> <p>Мустақил ўзлаштириладиган мавзулар бўйича талабалар томонидан ишланмалар тайёрлаш ва уни профессор-ўқитувчи билан маслаҳатлашиши ҳамда тақдим қилиши тавсия этилади.</p>
<p>3.</p>	<p>V. Фан ўқитилишининг натижалари (шаклландирган компетенциялар)</p> <p>Фанни ўзлаштириш натижасида талаба:</p> <ul style="list-style-type: none"> • тасвирий санъат, жумладан график тасвирлашнинг архитектуравий дизайн соҳасидаги ўрни ва аҳамияти, тасвирлаш қоидалари ва усуллари, натурага қараб ҳаёлий тасаввурдан тасвирлашда тасвирий санъатнинг ифодавий воситаларидан фойдаланишни, композиция қонуниятлари, чизиқли ва ҳаво перспективалари, нисбатлар, конструктив тузилиш, ёруғ-соя қонуниятлари, тус таҳлили, сиртларни ажратиш, материаллик хусусиятлари, лойиҳалашда архитектуравий графикадан фойдаланиш, ахборот йиғиш, таҳлил қилиш ва ундан фойдаланиш методологиясини амалиётда қўллаш, мустақил ижодий ишлаш бўйича тасаввур ва билимларга эга бўлиши; • ҳажмни хис қилиш, геометрик шаклларнинг конструктив тузилишларини тасвирлаш, шакллар воситасида содда ва мураккаб композициялар яратиш, архитектуравий деталларни тасвирлай олиш, архитектуравий муҳитларнинг перспектив тузилишларини ҳам график, ҳам рангли кўринишда тасвирлаб бериши бўйича малака ва кўникмаларга эга бўлиши; • архитектуравий ҳайкалтарошлик, унда ишлатиладиган материаллар, улар билан ишлаш, турли тасвирий материаллар воситасида декоратив ҳайкалтарошлик намуналари ярата олиши ҳамда фазовий конструктив композициялар тузиш бўйича билимларга эга бўлиши

	<i>ва уларни амалда қўллай олиши каби компетенцияларга эга бўлади.</i>
4.	<p>VI. Таълим технологиялари ва методлари:</p> <ul style="list-style-type: none"> • гуруҳларда ишлаш; • интерфаол методлар; • тақдимотлар қилиш; • индивидуал ишланмалар; • ҳимоя қилиш учун ишланмалар.
5.	<p>VII. Кредитларни олиш учун талаблар:</p> <p>Фанга оид амалий ва услубий тушунчаларни тўла ўзлаштириш, тасвирий натижаларни тўғри акс эттира олиш, ўрганилаётган услублар ҳақида мустақил мушоҳада юритиш ва жорий, оралиқ назорат шаклларида берилган вазифа ва топшириқларни бажариш, якуний назорат бўйича ёзма-тасвирий ишни топшириш.</p>
6.	<p>Асосий адабиётлар</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 бет. 2. Бердиев Н.О., Бобомурадов З.Р. Қаламтасвир ва рангтасвир фанларидан талабаларнинг мустақил ишларини ташкил этиш. Ўқув қўлланма. – Тошкент, 2020 3. Юсупов У.Қ. Ҳайкалтарошлик. Ўқув қўлланма. – Тошкент: 2014. 4. Гильманова Н.В. Рангтасвирда ёруғлик ва ранг. – Тошкент: 2012. <p>Қўшимча адабиётлар</p> <ol style="list-style-type: none"> 5. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик-ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. – Т.:Ўзбекистон“. 2017. – 102 бет. 6. О.В. Осмоловская, А.А. Мусатов. Рисунок по представлению. – Москва, 2015 7. Норматов Н. Ранглар юртига йўл. – Тошкент: 2013. 8. Соибов Т.З. Рангтасвир ва интерьер. Ўқув қўлланма. 9. Санаев Х.С. Қаламтасвир бўйича ўқув услубий қўлланма. – Тошкент: ТДТУ, 2004 10. Худойберганов Р. Тасвирий санъатда ранг. Ўқув қўлланма. – Тошкент: 2004. <p>Ахборот манбалари</p>

	<p>11. www.gov.uz – Ўзбекистон Республикаси ҳукумат портали.</p> <p>12. www.lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.</p> <p>13. www.urokiakvareli.ru – рангтасвир услублари</p> <p>14. www.zaholstom.ru – тасвирий санъат турали</p>
7.	<p>Фан дастури Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича Ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг 20__ йил “__” _____ даги _____ -сонли баённомаси билан маъқулланган.</p> <p>Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 20__ йил “__” _____ даги _____ - сонли буйруғи билан маъқулланган фан дастурларини таянч олий таълим муассасаси томонидан тасдиқлашга розилик берилган.</p>
8.	<p>Фан/модуль учун маъсуллар:</p> <p>З.Р. Бобомуродов - ТАҚИ, “Тасвирий санъат” кафедраси мудири, доцент.</p> <p>А.А. Эргашев - ТАҚИ, “Тасвирий санъат” кафедраси катта ўқитувчиси.</p>
9.	<p>Такризчилар:</p> <p>Ш.С. Рейимбаев - ТАҚИ, Архитектура факультети декани, архитектура фанлари номзоди</p> <p>Гильманова Н.В. - МРДИ, “Ҳайкалтарошлик” кафедраси мудири, архитектура фанлари фалсафа доктори (PhD), доцент</p>